авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчини элект тармоқларидан узиш;

Бюро кўрсатмаси бўйича истеъмолчини электр тармоқларидан, шунингдек, ЭҲНАТг уланган ва олдиндан тўланган маблағ туғагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловн амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган Истеъмолчини тармоқда узиш.

Корхона амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиш мумкин.

Корхона ёки Бюро мазкур Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобга бўлмайдилар.

4.4. Корхонанинг мажбуриятлари:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасига Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналарни, электр узатиш линияларини, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида носозликларни бартараф этиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида уч кун олдин огоҳлантириш;

Истеъмолчига электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва б сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашларнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотида бошқа қоида бузилишлар тўғрисидаги аризаларини, Истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, ушбу қоида бузилишларини бартараф этиш ва унга батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, Истеъмолчига хабар қилиш;

Истеъмолчига ўрнатилган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни таъминлаш, шунингдек Бюро билан биргаликда уларни пломбалаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларида белгиланган даражада бўлган электр энергияси етказиб бериш.

Корхона қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона қуйидаги ҳолатларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар эмас:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қил электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йул қўйганда, ҳудудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганда;

заҳира манбанни автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликни ўчиришларнинг ишлаш вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар ҳосил бўлганда.

5.3 Корхона қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ёки Бюронинг ёзма кўрсатмасига асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узиб қўйилганда истеъмолчи олдида жавобгар эмас.

5.4. Мазкур Шартнома бажарилиши жарёнида пайдо бўладиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади. Низолар музокара йўли орқали ўз ечимини топмаган ҳолларда, улар суд тартибида ҳал этилади.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳал этилади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1 Шартнома 1 йил муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда амал қилинмайди, улар келгуси ойдан қонуний кучга киради.

Шартнома муддати туғагандан сўнг, ҳар иккала Тарафнинг бирортаси унинг узайтирилиши ёки бекор қилиниши ҳақида ариза бермаса, у келгуси ҳар бир йил учун узайтирилган деб ҳисобланади. Ариза Шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойида берилиши керак.

6.2. Мазкур Шартнома тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилади ва ҳар иккала Тарафда сақланади. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш Тарафларнинг бири ташаббусига кўра иккинчи Тарафни ўттиз кун олдин хабардор қилиш орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши шарти билан амалга оширилади. Бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда киритилганда ва ҳар иккала Тарафнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, 30.09.2009 йилдаги "Электр энергетика тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Махкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи: Постдарғом Ободонлаштириш бошқармаси
Юридик манзили: Жума ш. Ж. Олимжон - 15-уй
Почта манзили: _____
Ҳисоб рақами: 1000228601822770642001 1 0002
Банк коди (МФО) 00014 **СТИР (ИНН)** 206852932
Истеъмолчининг юридик манзили бўйича кадастр рақами 14:10;14;01;05;0130
Маҳалла номи _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилувчи Истеъмолчи учун

Бюджет жамғармаининг ҳисоб рақами _____
Банк коди (МФО) _____ **СТИР (ИНН)** _____
Бюджет жамғармаининг ҳисоб рақами _____
Банк коди (МФО) _____ **СТИР (ИНН)** _____
Телефон: _____ **Факс:** _____